

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

РАСУЛОВ БАХТИЁР АБДУҒАФУРОВИЧ

**ДИАЗОТРОФ РИЗОБАКТЕРИЯЛАР ЭКЗОПОЛИСАХАРИДЛАРИ
АСОСИДА КУМУШ НАНОЗАРЛАРИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ
АНТИМИКРОБ ТАЪСИРИ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАДҚИҚИ**

**03.00.04– Микробиология ва вирусология
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Расулов Бахтиёр Абдуғафурович

Диазотроф ризобактериялар экзополисахаридлари асосида кумуш нанозарралари олиш ва уларнинг антимикроб таъсири механизми тадқиқи.....3

Расулов Бахтиёр Абдугафурович

Изучение синтеза наночастиц серебра на основе экзополисахаридов диазотрофных ризобактерий и механизмов их антимикробного действия.....29

Rasulov Bakhtiyor Abdugafurovich

Study of synthesis of silver nanoparticles on the basis of exopolysaccharides of diazotrophic rhizobacteria and mechanisms their antimicrobial effect.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.38.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

РАСУЛОВ БАХТИЁР АБДУҒАФУРОВИЧ

**ДИАЗОТРОФ РИЗОБАКТЕРИЯЛАР ЭКЗОПОЛИСАХАРИДЛАРИ
АСОСИДА КУМУШ НАНОЗАРРАЛАРИ ОЛИШ ВА УЛАРНИНГ
АНТИМИКРОБ ТАЪСИРИ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАДҚИҚИ**

**03.00.04– Микробиология ва вирусология
(биология фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/B94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Давранов Кахрамон**
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тошмухамедова Шохиста Собировна**
биология фанлари доктори
Нормаҳаматов Нодирали Сохобаталиевич
кимё фанлари доктори
Буриев Забардаст Тожибоевич
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Микробиология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.B.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» июль соат 10-00 даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 76 уй, Микробиология институти конференция залида бўлади. Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98; факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: microbio@academy.uz

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент ш. Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси 7^б-уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 3-қават, мажлислар зали. Тел.: (+99871) 241-92-28.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» июль куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ рақамли реестр баённомаси)

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Роҳила Назаровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Ташхан Гафуровна
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёдаинсоният юзлашаётган глобал муаммолардан бири турли патоген ва фитопатоген микроорганизмларнинг янги, агрессив расалари пайдо бўлаётгани ҳамда уларнинг ортидан жиддий касалликларнинг юзага келаётганидир¹. Ушбу патоген расаларга қарши анъанавий кураш чоралари самарасиз бўлиб қолмоқда. Шунингдек, биоцид хусусиятга эга бирикмалар – антибиотиклар, антимикроб табиатли қуйи молекулар бирикмалар ва бошқаларга нисбатан резистентлик ҳосил қилган патоген микроорганизмлар инсон саломатлигига хавф солиши кузатилган². Кумуш ва унинг бирикмаларининг нанозарралари кичик концентрацияларда патоген микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланишини самарали тўхтади. Бунда патоген популяция резистентлигини йўқотади. Бунда наноўлчамдаги кумуш нанозарралари хужайра деворидан цитоплазмага осонлик билан ўтади ва оксиллар, ДНК ва РНК биологик хусусиятларини йўқотади. Шу жиҳатдан, биологик макромолекула (биополимер) матрицаси асосида синтезланган, таркибида кумуш ёки кумуш бирикмалари нанозарраларини сақлаган нанобиокомпозитларилмий ва амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда кўпгина мамлакатларда ўтказилаётган илмий тадқиқотларда Ag, AgCl, TiO₂, Al₂O₃ нанозарралари сақлаган нанобиокомпозитларни синтезлаш, физик-кимёвий тавсифлаш тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги қўллаш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, метал нанозарралари ҳосил қилиш хусусиятига эга биополимерлар синтезловчи микроорганизмлар молекулар таксономияси, фаол штаммларнинг филогенетик шажараси, уларда биополимерлар синтези, ушбу жараёнга таъсир этувчи физик-кимёвий омиллар (ҳарорат, аэрация интенсивлиги, ўстириш давомийлиги, рН, турли ионлар, субстрат тури), олинган макромолекулар бирикмалардаги функционал гуруҳлар ва кимёвий боғлар табиати батафсил тадқиқ этилган. Биологик макромолекула (биополимер) матрицаси асосида кумуш ёки кумуш бирикмалари нанозарралари сақлаган нанобиокомпозитлар синтези, кичик концентрацияларда патоген микроорганизмлар хужайраларининг ўсиши ва ривожланишига биоцид таъсирини ўрганиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шу сабабли, популяциялари кескин ортиб кетган резистент патоген микроорганизмларга қарши курашда таркибида кумуш ва кумуш бирикмалари нанозарралари сақлаган нанобиокомпозитлардан фойдаланиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида экинларнинг турли патогенлар билан касалланишини олдини олиш, ҳосилдорлигини яхшилаш чора-тадбирларини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга

¹Lara H. H., Ayala-Nunez N. V., Ixtapan-Turrent L., Rodriguez-Padilla C. Mode of anti viral action of silver nanoparticles against HIV-1// *J. Nanobiotechnol.*-2010.-№ 8.-p. 31–39.

² Kanmani P., Lim S.T., Synthesis and structural characterization of silver nanoparticles using bacterial exopolysaccharide and its antimicrobial activity against food and multidrug resistant pathogens // *Process Biochem.*-2013a.-№48.- p.1099-1106.

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ғўзанинг *Fusarium oxysporum* f.sp.vainfectum ва *Verticillium dahliae* фитопатоген микромицетларига қарши кураш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида интенсив усулларни, айниқса, замонавий сув ва ресурстежамкор агротехнологияларни жорий этиш³» вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан диазотроф ризобактериялар экзополисахаридлари матрицаси асосида кумуш ва кумуш нанозарралари синтез қилиш, физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил этиш ва амалиётга қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги ПФ-5394-сонли «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг кўшимча ташкилий чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июндаги ПҚ-3855-сонли “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқотреспублика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмийтадқиқотлар шарҳи³. Метал нанозарралари биосинтезида қўлланиладиган макромолекулалар – экзополисахаридлар, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ва модификацияси, экзополисахарид-асосли биофлокулянтлар синтезловчи микроорганизмлармолекуляр таксономияси ва генетикасига йўналтирилган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Hunan University, Shanghai Maritime University, Xiamen University, Guangxi University (ХХР), University of Fort Hare, University of Witwatersrand, University of Fort Hare (ЖАР), University of the Punjab (Покистан), Nevsehir University (Туркия), The Pensilvania State University (АҚШ), Gifu University (Япония), Gadjra Madha University (Индонезия), Korea University; Pukyong National University (Жанубий Корея);

³ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 7 февраль, 2017 йил, ПФ-4947-сон.

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.journals.elsevier.com/bioresource-technology>; <https://www.journals.elsevier.com/biomaterials>; <https://link.springer.com/journal/12223>; <https://www.journals.elsevier.com/international-journal-of-biological-macromolecules>; <https://www.mdpi.com>; <https://www.frontiersin.org/journals/microbiology>;

Kansai University (Япония); Brno University of Technology (Чехия), Northeast Forestry University, Yanshan University, Institute of Process Engineering, Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry, (ХХР); Palacky University (Чехия); Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида (Ўзбекистон) тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Макромолекула матрицасидан ҳам қайтарувчи, ҳам барқарорлаштирувчи сифатида фойдаланиб таркибида нанозарралар сақлаган нанобиокомпозитлар олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: айрим замбуруғлардан (*Fusarium*, *Aspergillus*, *Penicillium*, *Rhizoctania*, *Pleurotus*, *Trichoderma*) култура суюқликлари ҳамда *Lactobacillus*, *Gluconobacter*, *Acetobacter*, *Streptomyces* каби айрим бактерия ва актиномицетлар экзополисахаридлари матрицаси асосида Ag ва AgCl нанозарралари сақловчи нанобиокомпозитлар олинган (Kansai University, Япония), ҳамда физик-кимёвий тавсифланган (Korea University, Pukyong National University, Жанубий Корея), таркибида нанозарралар сақлаган ва биополимерлар асосида синтезланган нанобиокомпозитлар синтези, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган (ультра-бинафша ва инфрақизил спектроскопияси, рентгенспектрал-зондли микроанализ, ёруғлик электрон ва трансмиссион электрон микроскопия) Kansai University (Япония); Brno University of Technology (Чехия), термик барқарорлик ва антимикроб фаоллиги аниқланган (Northeast Forestry University, Yanshan University, Institute of Process Engineering, Xinjiang Technical Institute of Physics and Chemistry (ХХР), ЭПС матрицалари асосида бошқа нодир металллар (Au, Pt), бирикмалар (TiO_2 , Al_2O_3 , Ag_2SO_4) нанозарралари сақлаган нанобактериялар олинган (Islamic Azad University (Эрон), East China Normal University (ХХР).

Дунё амалиётида нанозарралар ҳосил қилишда иштирок этадиган биополимерлар ҳосил қилувчи микроорганизмлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: микроорганизмларнинг молекуляр таксономияси ва филогенетик қариндошлиги таҳлил қилиш; фаол штаммларнинг полисахарид-табиатли биополимерлар ҳосил қилиши ва улардаги боғлар ва функционал гуруҳларнинг кимёвий таркиби аниқлаш; биополимерлар синтезлаш усуллари ва шароитлари оптималлаштириш; *Lactobacillus*, *Gluconobacter* каби бактерия ва қатор микромицет ёрдамида Ag- ва AgCl-нанозарралари олиш усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда экзополисахаридлар, экзополисахарид-асосли биофлокулянтлар синтезловчи микроорганизмлар – бактериялар ва актиномицетларни ажратиб олиш, скрининг қилиш ва уларнинг молекуляр таксономияси (Nwodo et al., 2014; Manivasagan et al., 2015; Okaiyeto et al., 2015); биополимерлар синтези ва синтез жараёнлари оптимизацияси, мономер ва урон кислоталарини аниқлаш (Xiong et al., 2010; Gaur et al., 2010; Zajsek et al., 2011; Usha et al., 2011; Castro et al., 2012; Singh and Saini, 2012; Chen et al., 2015); Ag/AgCl нанозарралари

синтезида қўллаш (Kanmani and Lim, 2013; Breitwieser et al., 2013; Abdel-Mohsen et al., 2014; Lee and Won, 2014; Chen et al., 2015); алоҳида синтезланган кумуш нанозарраларини бошқа макромолекулага “сингдириш” хусусиятлари аниқланган (Hassabo et al., 2014).

Бундан ташқари, бир қатор муаллифлар Ag/AgCl нанозарралари сақлаган нанобиокомпозитларни УФ-ва ИҚ-спектроскопияси, рентгенспектрал-зондли микроанализи, ёруғлик-электрон ва трансмиссион-электрон микроскопияси (Kanmani and Lim, 2013; El-Sheikh et al., 2013; Emam and Zahran, 2015; Abdel-Halim et al., 2015; Tummalapalli et al., 2015; Kibeche et al., 2015; Nazar et al., 2018), патоген бактериялар, замбуруғлар ва вирусларга қарши биоцид таъсири борасида тадқиқотлар эълон қилинган (Panacek et al., 2009; Lara et al., 2010; Rastogi et al., 2015).

Шуни таъкидлаш лозимки, нафақат диазотроф ризобактериялар, балки ўсимликлар билан ассоциатив симбиоз ҳосил қилувчи ризобактерияларнинг ЭПС ҳосил қилиши, кимёвий хусусиятлари – мономер таркиби, боғланган оқсил микдори бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилмаган. Биополимерлар синтезловчи бактерияларнинг молекуляр таксономияси, филогенетик шажараси аниқланмаган ҳамда *Azotobacter*, *Rhizobium* ва *Bradyrhizobium* туркумига мансуб диазотроф ризобактерияларнинг ЭПСларини нанобиотехнологияда қўллаш борасида маълумотлар учрамайди. Шунга кўра, Ўзбекистонда нанобиотехнологияда ҳам қайтарувчи, ҳам стабилловчи хусусиятга эга макромолекулаларни синтез қилиш, жараёнини оптималлаштириш, нанобиокомпозитлар ҳосил қилиш, физик-кимёвий хусусиятларини тадқиқ этиш ва улардан агрессивлашган ҳамда резистент формаларни ҳосил қилган патогенларга қарши курашда фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А8-Т015 "Ўза патоген замбуруғлари (*Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum ва *Verticillium dahliae*) мониторинги, молекуляр-генетик тавсифи ва уларга қарши курашнинг комплекс (микробиологик ва нанобиотехнологик) биотехнологияси асосларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш" (2015-2017), Ўзбекистон-ХХР қўшма лойиҳаси бўйича М/Ўзб-КНР-03/15 “Диазотроф ризобактериялар биомолекулалари (поли-β-гидроксибутират ва экзополисахаридлар) қўллаш орқали ўза ва буғдойнинг шўрланиш ҳамда қурғоқчиликка чидамлилигини ошириш”(2016-2017) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади диазотроф ризобактериялар штаммлари экзополисахаридлари асосида кумуш нанозарраларини синтезлаш ва уларнинг антимиқроб хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Экзополисахаридлар синтезловчи фаол диазотроф ризобактерияларни ажратиб олиш ва скрининг қилиш;

скрининг қилинган штаммларнинг морфологик-културал хусусиятларини аниқлаш ваидентификациялаш, оптимал озуқа муҳити ва ўстириш шароитларини танлаш;

штаммларнинг экзополисахаридлар ҳосил қилиш жараёнларининг молекуляр-генетик асослари ҳамда экзополисахаридлар синтезига жавобгар генлар ёки ген-кластерларини аниқлаш ва уларнинг экспрессиясига субстрат ҳамда ташқи омилларнинг таъсирини асослаш;

A.chroococcum XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммларида экзополисахаридлар синтези, жараёнга таъсир қилувчи физик-кимёвий омиллар ҳамда биополимерларнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

штаммларнинг экзополисахаридларматрицалари асосида Ag ва AgCl нанозарралари синтези, нанокolloид суспензияларУФ-спектроскопияси, олинган нанобиокомпозитлар ИҚ-спектроскопияси, рентгенспектрал-зондли микроанализи, ёруғлик-электрон ва трансмиссион-электрон микроскопияси аниқлаш;

алоҳида синтезланган Ag нанозарраларини *R. radiobacter* SZ4S7S14 экзополисахаридлар-асосли биополимер матричасига “сингдириш” шу усулда олинган нанозарраларнинг кластерларга уюшишини олдини олиш ва нанозарралар морфологиясини УФ-спектроскопияси асосида баҳолаш;

алоҳида синтезланган кумуш нанозарраларини *R. radiobacter* SZ4S7S14 экзополисахаридлар-асосли биополимерига “сингдириш” орқали олинган янги нанобиокомпозитнинг (^{imp}AgNPs) физик-кимёвий хусусиятларини таҳлил этиш;

таркибида Ag ва AgCl сақлаган наноккомпозитларнинг патоген микроорганизмлар – *E.coli*, *Staphylococcus aureus*, *Candida albicans*, *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum ва *Verticillium dahliae* га қарши антимиқроб таъсир механизмларини тадқиқ этиш;

олинган натижалар асосида таркибида экзополисахаридлар сақлаган биопрепарат ҳамда нанобиокомпозит олиш лаборатория регламентини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти экзополисахаридлар синтезига скрининг асосида танлаб олинган *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммлари, уларнинг биополимерлари ва шу биополимерлар асосида олинган, таркибида кумуш нанозарраси сақлаган нанобиокомпозитлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети–экзополисахаридлар синтез қилувчи диазотроф ризобактерияларни ажратиш, скрининг қилиш, танлаб олинган штаммларнинг экзополисахаридлар синтезлаши, ушбу жараёнга таъсир этувчи физик-кимёвий омилларни тадқиқ этиш, биополимерларнинг кимёвий таркибини аниқлаш; экзополисахаридлар матричаси асосида таркибида кумуш нанозарралари сақлаган нанобиокомпозитлар синтези, уларни тадқиқотнинг физик-кимёвий усуллари асосида тавсифлаш ҳамда уларнинг айрим патоген бактерия ва замбуруғларга антимиқроб таъсир механизмларихисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Микробиологик, физиологик, бионанобиотехнологик, биокимёвий ва молекуляр-генетик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ажратиб олинган диазотроф ризобактерияларнинг экзополисахаридлар синтезига скрининги натижасида учта фаол *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter*SZ4S7S14 штамлари танлаб олинган ва идентификацияланган;

штамmlарнинг турли субстрат ва шароитда экзополисахаридлар ҳосил қилиш хусусиятлари аниқланган ҳамда биополимерлар синтезининг оптимал шароитлари танланган;

илк бор *Rhizobium radiobacter* турида экзополисахаридлар биосинтезида иштирок этувчи, *exoK* ва *exoM* генларини ўз ичига олган йирик ген-кластери аниқланган, ҳамда манноза қўшилган шароитларда *exoK* ва *exoM* генларининг экспрессияланиши кучайиши, туз стрессиде эса камайиши, ҳамда нисбий экспрессияланиш фаоллиги кўра якуний метаболит – ЭПСнинг мономер таркиби кескин ўзгариши исботланган.

A.chroococcum XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамлари ҳосил қиладиган экзополисахаридларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, мономер таркиби ва субстратга кўра ЭПС структурасида ўзгаришлар бўлиши аниқланган ва биополимерларнинг ИҚ-спектрлари таҳлили гидроксил (-ОН) гуруҳида миқдорий ўзгаришлар бўлиши асосланган;

A.chroococcum XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter*SZ4S7S14 штамлари экзополисахаридлар асосида ютилиш максимумлари 400-420 нм бўлган AgНЗ, 250-275 нм бўлган AgCl-НЗ синтезланган;

нанобиокомпозитлар таркибидаги наноўлчамдаги Ag рентгенструктур таҳлили унинг 2θ соҳанинг 47.5° , 55.5° ва 64.5° даражаларида ҳосил бўлиши (*B.japonicum* 36 штамми ЭПС асосида олинган нанобиокомпозит) ҳамда *A.chroococcum* XU1 ЭПС асосида синтезланган AgCl-НЗ эса 2θ соҳанинг 27.64° , 32.24° , 46.2° , 54.78° , 57.44° , 67.42° , 74.4° ва 76.6° да диффракцион спектр чўкқилари намоён бўлиши аниқланган.

янги усул асосида алоҳида синтезланган AgНЗ *R. radiobacter* SZ4S7S14 экзополисахаридларига сингдириш асосида янги турдаги нанобиокомпозит олинган ва физик-кимёвий тавсифланган;

барча нанобиокомпозит намуналарнинг патоген бактерия ва замбуруғларга қарши антимиқроб таъсир механизмлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экзополисахаридлар синтезловчи *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамлари селекция қилиниб, уларнинг морфолого-културал ва биокимёвий хусусиятлари тавсифланган;

штамmlарни турли субстратлар ва шароитларда ўстириш орқали экзополисахаридлар ҳосил қилиш имкониятлари аниқланган;

штамmlарнинг экзополисахаридлар матрицалари асосида таркибида кумуш наноэрозларни сақлаган нанобиокомпозитлар синтез қилинган, физик-

кимёвий усуллари орқали биополимер матричасида наноўлчамдаги Ag ва AgCl нанозарралари мавжудлиги исботланган. Нанозарралар морфологияси ва барқарорлиги тавсифланган;

алоҳида синтезланган Ag нанозарраларини *R. radiobacter* SZ4S7S14 матричасига сингдириш орқали нанозарраларнинг кластерларга уюшишини олдини олишга имкон берадиган “қўш биологик тизим” усули таклиф этилган ва янги турдаги нанобиокомпозит олинган;

синтез қилинган нанобиокомпозитлар патоген микроорганизмлар, жумладан *E.coli*, *Staphylococcus aureus*, *Candida albicans*, *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum ва *Verticillium dahliae*га қарши кучли антимиқроб таъсири ва уларнинг ҳужайра деворларида ўзига хос шишлар, туйнуклар ҳосил бўлиши аниқланган.

Патоген микроорганизмларга қарши самарали курашиш имкониятини берувчи *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамлари биополимерлари матричалари ҳамда Ag-НЗ ва AgCl-НЗларидан иборат нанокolloид тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ҳар бир тадқиқот тажрибалари энг камида 3 мартадан ўтказилганлиги, бу эса энг ишончли ва барқарор натижаларни ўртача қийматини ҳисоблаш имконини берганлиги билан асосланган. Экспериментал маълумотларда статистик хато, ўртача, ишончилиқ интерваллари, стандарт оғишларни ҳисоблаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва стандарт методлар ёрдамида олиб борилган. Натижаларни статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стъюдентнинг t-критерийси ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамлари биополимерлари синтезланиб, физик-кимёвий хусусиятлари тавсифланган. Ушбу биоматериаллар асосида Ag-НЗ ва AgCl-НЗлари сақлаган нанокolloидлар ҳосил қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган янги авлод нанобиокомпозитлари патоген микроорганизмларга қарши биоцид воситалар ҳисобланади. Бундан ташқари, алоҳида синтезланган нанозарраларнинг бошқа полимер матричасига сингдириш барқарорлиги ва кучли биоцид таъсирга эга нанобиокомпозитлар олинishi билан асосланади. Нанобиокомпозитлар суспензияси – нанокolloидлар ёрдамида ғўза патогенлари *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum ва *Verticillium dahliae* ривожланишини тўхтатиш мумкин. Шунингдек, барқарор, морфологик ўзгаришларга учрамаган ва алоҳида кластерларга уюшмаган кумуш нанозарралари кенг спектрдаги патогенларга қарши қўлланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диазотроф ризобактериялари экзополисахаридлари асосида “Биоазот” биопрепарат яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

индол-3-сирка кислотаси ва гиббереллин ҳосил қилувчи, тузга чидамли *Azotobacter chroococcum* N1 бактерия штамми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти (IAP 04887, 2012) олинган. Натижада шўрланган тупроқларда ўсувчи ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) ва буғдойнинг (*Triticum aestivum* L.) илдиз атрофи ва илдиз орқали озиклантирувчи препаратлар тайёрлаш имконини берган.

“Биоазот” биопрепарати Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида пахта ҳамда маккажўхори ва картошка экин майдонларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 11 ноябридаги 02/023-221-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлиги ошиши, шўр тупроқлар таркибидаги тузларнинг боғланиши ва ўсимликларнинг патоген микроорганизмларга нисбатан чидамлилиги ортиши имконини берган;

диазотроф ризобактериялар ва уларнинг экзополисахаридлари асосида “Биоазот” биопрепарати Ўзбекистон Республикаси Давлат кимё комиссияси томонидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўллаш учун рухсат берилган (Ўзбекистон Республикаси Кимёлаштириш ва ўсимликларни химоя қилиш воситалари давлат комиссиясининг 2018 йил 23 апрелдаги 1А 1670 гувоҳномаси). Натижада фермер хўжалиқларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари яхшиланиши, пахта, маккажўхори ва картошка экинларининг ҳосилдорлиги ошишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 7 та халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 13 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика нашрларида, 7 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, аҳамияти ва зарурати асосланиб, унинг мақсад ва вазифалар, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мовофиқлиги кўрсатилган, ҳозирги кунда хорижда олиб борилаётган изланишлар қисқача шарҳланган, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг адабиётлар шарҳи бўлимида микроорганизмлар, жумладан бактериялар ва актиномицетларда экзополисахарид (ЭПС) асосли биополимерлар синтези, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, айрим продуцентларнинг молекуляр таксономияси, ЭПС матрицалари асосида Ag-ва AgCl-нанозарралари (Ag-НЗ, AgCl-НЗ) биосинтези, олинган нанокөмпозитларнинг хусусиятлари – морфологияси, барқарорлиги, наноўлчамдаги металл НЗни аниқлаш, шунингдек НЗларнинг патоген микроорганизмлар хужайрасига таъсир этиш механизмлари кенг ёритилган. Нанокөмпозитларнинг юқори резистент патогенларга қарши биоцид воситалар сифатида қўлланиши шарҳланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг манба ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида табиий манбалардан – ўсимлик ризосфераси ва илдиз туганакларидан диазотроф ризобактерия штамmlарини ажратиш, микробиологик тозалаш, уларнинг морфологияси, физиологияси ва биокимёвий хусусиятлари, фаол штамmlарни 16S рРНК ген-секвенси асосида молекуляр идентификациялаш, ЭПС синтези ва ЭПС матрицаси асосида Ag-НЗ ва AgCl-НЗ биосинтези, мониторинги, олинган нанокөмпозитларнинг хусусиятлари – морфологияси, барқарорлиги, наноўлчамдаги металл НЗни аниқлаш, шунингдек НЗларнинг патоген микроорганизмлар хужайрасига таъсирини ўрганиш усуллари ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида диссертациянинг асосий илмий натижалари келтирилган. Жумладан, “ЭПС синтезловчи диазотроф ризобактерияни ажратиш, скрининг қилиш ва фаол штамmlарнинг молекуляр-генетик идентификацияси, морфолого-културал ва физиолого-биокимёвий хусусиятлари” деб номланган 3.1-қисмида ўсимлик ризосфераси тупрок намуналари ва илдиз туганакларидан диазотроф ризобактерияларни ажратиш, ЭПС синтезига скрининги, фаол штамmlарнинг морфолого-културал ва физиолого-биокимёвий хусусиятлари ва 16S рРНК ген-секвенси асосида молекуляр идентификациялаш натижалари баён этилган.


Янги ажратилган ва коллекцияда мавжуд штамmlарнинг ЭПС синтезига скрининги асосида *B. japonicum* 36 ($5,6 \pm 0,25$ г/л ЭПС), *Rhizobium radiobacter*. SZ4S7S14 ($3,6 \pm 0,23$ г/л ЭПС) ва *A. chroococcum* XU1 ($3,2 \pm 0,2$ г/л ЭПС) кейинги тадқиқотлар танлаб олинди. Мазкур штамmlар ўстиришнинг дастлабки кунлариданоқ фаол равишда ЭПС синтез қилганлиги билан қолган штамmlардан фарқланди. Ўстиришнинг 48- ва 72-соатида ушбу штамmlарнинг култура суюқликларида максимал миқдорда ЭПС ҳосил бўлгани кузатилди. Аввалги тадқиқотлар доирасида ўрганилган *B. japonicum* 36 ва *A. chroococcum* XU1 штамmlарининг тур таркиби маълум бўлганлигидан *Rhizobium* sp.SZ4S7S14 16S рРНК ген-секвенси асосида молекуляр идентификация қилинди. Мазкур штамmlнинг *Rhizobium radiobacter* 19358^(T) (AJ389904) штаммига 100% мувофиқ келди. 16S рРНК ген-секвенси асосида қурилган филогенетик таҳлил натижасига кўра штамм *Rhizobium radiobacter* тури сифатида идентификация қилинди (1-расм).



1-расм. *Rhizobium sp.* SZ4S7S14 штаммининг филогенетик шажараси

A. chroococcum XU1, *B. japonicum* 36 ва *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммлари кейинги тажрибалар учун тадқиқот манбаси сифатида танлаб олинди. Ушбу штаммларнинг морфологияси, физиологияси ва айрим биокимёвий хусусиятлари тадқиқ этилди. Жумладан, штаммларнинг азотсиз озуқа муҳитларда ўса олиш қобилияти, атмосфера азоти ҳисобига иккиламчи метаболитлар, жумладан ЭПС-асосли биополимерлар синтезлай олиши эътиборга молик. Бу жиҳатдан айниқса *A. chroococcum* XU1 катта аҳамиятга эга эканлиги тажрибалар давомида аниқланди.

Шунингдек, фаол штаммларнинг ЭПС ҳосил бўлишида иштирок этадиган генлар, уларнинг экспрессияланиши тадқиқ этилди. Эътиборга молик жиҳат шуки, *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг транспозон мутагенез йўли билан олинган мутант ва ёввойи шакллари солиштирма таҳлили асосида ЭПС1 туркумига мансуб экзополисахаридлар синтезига жавобгар *exoK* ва *exoM* генлар тўплами мавжуд эканлиги аниқланди. Бу эса аввалдан маълум бўлган ЭПС синтезига жавобгар йирик ген кластерига мувофиқ келишини кўрсатди (2-расм).





2-расм. *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штаммида ЭПС синтезига жавобгар йирик ген кластери (*exoK* ва *exoM* генлари) идентификацияси

Ушбу *exoK* ва *exoM* генларининг RT-PCR ва qRT-PCR асосида таҳлили экспрессияланиш фаоллиги ҳақида хулоса бера олишини назарда тутган ҳолда турли углерод манбаларида кузатувлар олиб борилди. *Azotobacter*

chroococcum XU1, *Azotobacter chroococcum* N1 ва *Bradyrhizobium japonicum* 36 штамларида аниқланган ЭПС-синтезига жавобгар генлар тавсифи (натижалар киритилмади) адабиёт манбаларига мувофиқ келишини кўрсатди.

Аниқланган ушбу генлар, жумладан *exoK* ва *exoM* генларининг турли ўстириш муҳитларида ҳар хил экспрессияланиши эса физик кимёвий хусусиятлари фарқланувчи ЭПСлар синтезланишига олиб келди. Бу жиҳат, керакли физик-кимёвий хусусиятли диэлектрик матрица олиш учун муҳим бўлган омиллардан бири ҳисобланади.

“Фаол штаммларда ЭПС синтези ва унга таъсир этувчи омиллар тадқиқи. Биополимерларнинг физик-кимёвий хусусиятлари” номланган 3.2-қисмида танлаб олинган *A.chroococcum* XU1, *B.japonicum* 36 ва *R.radiobacter* SZ4S7S14 штамларида ЭПС ҳосил бўлишига углерод/азот манбалари, рН, катионлар таъсири, шунингдек айрим физик-кимёвий хусусиятлари – ИҚ-спектрлари таҳлили, электрон-зондли микроанализи, ёруғлик-электрон микроскопияси, мономер таркиби тадқиқ этилган. Штаммларнинг ЭПС синтези бир-бирига деярли ўхшаш равишда амалга ошган бўлсада, улар орасида *R.radiobacter* SZ4S7S14 штамми фаоллиги билан ажралиб турди (3а,б-расмлар).



3а-расм. Ўстиришнинг логарифмик фазасида *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми ЭПС-оксил синтези ҳужайра биомассаси, инкубация вақти ҳамда фаолляция фаоллигига ўртасидаги корреляция

3б-расм. Ўстиришнинг логарифмик фазасида *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми ҳужайра биомассаси, муҳит рНи ва инкубация вақти ўртасидаги корреляция

Модификацияланган озуқа муҳитида (углерод/азот манбаси сифатида D-маннитоза/дрожжи экстракти қўлланилганда) мазкур штамм 5,41 г/л ЭПС синтезлади. Таъкидлаш ўринлики, барча штаммларда ЭПСсинтези ўстиришнинг логарифмик фазасида ҳужайра биомассаси, инкубация вақти ҳамда фаолляция фаоллигига корреляцияси кузатилди(3а-расм).

R.radiobacter SZ4S7S14 штаммида ЭПСнинг максимал синтези ўстиришнинг 72-соатига тўғри келди ва глюкоза/дрожжи экстрактли муҳитда 3.6 г/л биополимер синтезланди.

Ўстиришнинг 72-соатида фаолляция фаоллиги ҳам ўзининг максимум қиймати – 92% га етди. Шунингдек, штамм ҳужайра биомассасининг энг кўп миқдори ҳам айнан ўстиришнинг 72-соатида аниқланди. Фаолляция

фаоллиги ва биополимер синтези максимумига етганида озука муҳитидан энг кўп миқдорда – 3.5 г/л хужайра биомассаси ажратиб олинганини таъкидлаш лозим. Ўстиришнинг биринчи ва иккинчи кунлари (24 ва 49 с) муҳит рН ининг 7,3 дан 5,2 га қадар кескин тушиши кузатилди. Ўстиришнинг 60-72 с да эса рН5,0-5,1 гача ўзгарди (3б-расм).

Олинган натижалардан хулоса қилиш мумкинки, *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг ЭПС синтези ўстириш вақти, хужайра биомассаси ва муҳит рН ига боғлиқ тарзда амалга ошади, яъни штамм биомассаси ошиши билан ЭПС синтези ҳам кучаяди.


Тадқиқ этилган углерод ва азот манбалари орасида D-маннитоза ва дрожжи экстракти қўлланилган шароитларда *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми 5,41 г/л миқдорда ЭПС синтезлаган бўлса, D-глюкоза қўлланилганда эса 96 с ўстириш натижасида 3.46 г/л ЭПС-оқсил комплекси ҳосил бўлди (1-жадвал). D-глюкоза қўлланилган шароитларга қараганда D-маннитозали субстратда 1,5 марта кўп ЭПС-оқсил синтезланганини эътиборга молик.

1-жадвал. Углерод ва азот манбаларининг *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг ЭПС-оқсил синтези ҳамда флокуляция фаоллигига таъсири

Углерод манбаси	ЭПС синтези, г/л	Флокуляция фаоллиги, %	Азот манбаси	ЭПС синтези, г/л	Флокуляция фаоллиги, %
D-Глюкоза	3,46	89	Дрожжи экстракти	3,46	92
D-Фруктоза	2,02	77	Пептон	3,41	88
Сахароза	3,51	90	Триптон	2,87	86,5
Малтоза	2,767	86	Сусло экстракти	1,65	74
D-Маннитоза	5,41	97	Мол гўшти экстракти	2,89	87,2
D-Манноза	3,981	92	Казаминокислота	2,5	80

Деярли ўхшаш ҳолат *A.chroococcum* XU1 ва *B.japonicum* 36 штаммларида ҳам кузатилди. Айниқса, *B. japonicum* 36 штаммида ҳам ЭПС синтези деярли *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммидек амалга ошди. Аммо кузатилган айрим фарқларни кўрсатиб ўтиш ўринли. *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми ривожланиши ва ЭПС синтези учун D-маннитоза ва дрожжи экстракти оптимал субстрат бўлса, *B. japonicum* 36 штамми эса сахароза ва дрожжи экстрактдан иборат озука муҳитида кўп миқдорда хужайра биомассасига эга бўлди, ҳамда максимал миқдорда ЭПС синтезлади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, иккиламчи метаболитлар синтезида шунингдек макро- ва микроэлементларнинг ўрни ҳам катта ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда штаммларнинг ЭПС синтезига ва биополимерлар флокуляция фаоллиги (қовушқоқлиги) Na^+ , K^+ , Ca^{+2} , Mg^{+2} , Mn^{+2} , Fe^{+2} , Al^{+3} , Fe^{+3} ва Mo^{+4} каби катионларнинг микроб биополимерлари таъсири тадқиқ этилди. Ушбу тадқиқотда ҳам айнан юқорида келтирилган катионларнинг *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммида ЭПС синтези ва флокуляция фаоллигига таъсири тадқиқ этилди. Синалган катионлар орасида Mo^{+4} , Mg^{+2} , Mn^{+2} ва Fe^{+2} катионларининг глюкоза/дрожжи экстракти қўшилган озуқа муҳитида ЭПС синтезига ижобий таъсир этиши аниқланди. Айниқса Mo^{+4} нинг (Na_2MoO_4 тузи кўринишда) қолган катионлар, жумладан Mg^{+2} , Mn^{+2} ва Fe^{+2} га қараганда ЭПС синтезини кескин ошириши эътиборга молик (4а,б-расмлар).




4-расм. Катионларнинг *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг ЭПС синтези (А) ва флокуляция фаоллигига (Б) (ЭПС-оқсил комплекси ҳолатида) таъсири

Mo^{+4} қўшилган глюкоза/дрожжи экстрактли озуқа муҳитида *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми 3,86 г/л ЭПС-оқсил синтезлади. Бу эса Mo^{+4} қўшилмаган шароитларга қараганда 11,5% га кўп бўлди.


Сахароза ва дрожжи экстрактдан иборат озуқа муҳитида синтезланган ЭПС-оқсил комплекси (биофлокулянт) таркибида 94,5% полисахарид ва 3,05 % оқсил таркибга эга эканлиги аниқланди. *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми билан олиб борилган тажрибаларда аниқланганидек, Mo^{+4} қўшилган сахароза/дрожжи экстрактли озуқа муҳитида *B. japonicum* 36 штамми максимал миқдорда ЭПС синтезлади. Ca^{+2} ва Al^{+3} катионлари қўлланилганда мазкур штаммининг ЭПСининг флокуляция фаоллиги бошқа катионларга қараганда анча юқори бўлди.

Диссертациянинг “Штаммлар синтезлаган ЭПС намуналари физик-кимёвий хусусиятлари” деб номланган 3.3-қисмида биоматериалларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари ёритилган. Хусусан, *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми синтезлаган ЭПСнинг электрон микроскопияси орқали олинган микросуратларда биополимернинг 100-350 мкм узунликдаги ғиштчалар кўринишида бўлиши аниқланди (5-расм). Унинг рентген-зондли микроанализи эса таркибида 51,47 % O ва 45,79 % C мавжуд эканини кўрсатди.

Кимёвий таркиби номаълум бўлган органик бирикмаларни тадқиқ этишда ИҚ-спектроскопияси муҳим ўрин тутди. Органик бирикмаларнинг ИҚ-спектрлари асосида кимёвий боғлар табиати ва мавжуд бўлган функционал гуруҳлар борасида хулоса яшаш мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми синтезлаган ЭПСнинг ИҚ-спектри олинди (6-расм).



5-расм. *R. radiobacter* SZ4S7S14 штамми синтезлаган ЭПСнинг электрон микроскопда кўриниши



6-расм. *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штамми синтезлаган ЭПСнинг ИҚ-спектри

3447 cm^{-1} да гидроксил гуруҳларига (-OH) хос бўлган кенг ва кучли чўкки ҳосил бўлди. 2922 cm^{-1} да углеводлардаги C–H боғига хос бўлган кучсиз носимметрик чўкки ҳосил бўлди. 1730 cm^{-1} даги ютилиш соҳаси C=O га хос. 1630-1670 cm^{-1} даги ассиметрик тебраниш одатда –NHCOCH₃ гуруҳи таркибидаги C=O боғига хос ҳисобланади (Xiong et al., 2010). 1465,7 cm^{-1} даги ютилиш соҳаси C=C, 1074 cm^{-1} даги кенг ютилиш соҳаси эса гликозид боғлардаги C-O-C ва углеводлардаги O–H таъсир тебранишига мувофиқ келади.

Bradyrhizobium japonicum 36 штамми ЭПС 3420 cm^{-1} дан 800 cm^{-1} гача турли ютилиш максимумларини намоён этди. 3420 cm^{-1} даги кенг ва кучли ютилиш максимуми гидроксил гуруҳларининг (-OH) валент тебранишларига мувофиқ келади. 1236-1063 cm^{-1} соҳадаги кенг ютилиш максимуми гликозид боғларидаги C-O-C валент тебраниши ҳисобига юзага келади. 995 cm^{-1} соҳадаги интенсив чўкки эса углеводлар ҳисобига тўғри келади. Бундан ташқари, 820-972 cm^{-1} даги кучсиз чўкки полисахарид матричасидаги моносахаридлар ўртасидаги боғ ҳисобига ҳосил бўлади.

Azotobacter chroococcum XU1 штамми ЭПС макромолекуласи ИҚ-спектри ҳам юқоридаги намуналарга ўхшаш ютилиш максимумларини намоён этди. Жумладан, $3439,36\text{ см}^{-1}$ да О-Н; $2932,25\text{ см}^{-1}$ да типик углеводлардаги С-Н ассимметрик боғи тебранишига, 1730 см^{-1} даги чўкки С=О га хос ютилишига, $1650,76\text{ см}^{-1}$ даги ассимметрик тебраниш одатда – NHCOCH_3 гуруҳи таркибидаги С=О боғига, $1459,66\text{ см}^{-1}$ даги ютилиш соҳаси С=С боғига, 950 см^{-1} даги кенг ютилиш соҳаси эса углеводларга мувофик келади.

Rhizobium radiobacter SZ4S7S14 штамми синтезлаган ЭПС 76,2% умумий углеводлар, 12,7 % оксил, 6,53 % уран кислотаси ва бошқа таркибий қисмлардан иборат эканлиги аниқланди. *Bradyrhizobium japonicum* 36 штамми синтезлаган ЭПСнинг таркиби эса углерод/азот манбасига кўра ўзгариб борди. Штамм учун оптимал азот манбаси дрожжи экстрактининг озук муҳитидаги миқдори 2,8% га етганда 94,68% углевод ҳамда 3,05% оксилдан иборат ЭПС синтезланди. *Azotobacter chroococcum* XU1 штаммида эса ЭПС асосан алгинат ва оксил комплексидан иборат бўлиб, оксилнинг умумий улуши 3% дан ортмади.


Диссертациянинг “**Штаммлар экзополисахаридлари модификацияси ва ва модификацияланган биополимерларнинг физик-кимёвий хусусиятлари**” деб номланган 3.4-қисмида штаммлар ЭПСлари модификацияси ҳамда уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари баён қилинган. Нанобиокомпозитларнинг кўплаб физик-кимёвий хусусиятлари айнан уларнинг асосини ташкил қилувчи диэлектрик матрица – биополимер занжирига боғлиқ бўлганлиги сабабли *R. radiobacter* SZ4S7S14, *A.chroococcum* XU1 ва *B.japonicum* 36 штаммларининг турли шароитларида ўстириш орқали синтезланаётган ЭПСларнинг структуравий модификацияси тадқиқ этилди.

С/Н манбаларининг *R. radiobacter* SZ4S7S14 штаммининг турли тузилишли ЭПСлар синтез қилиши айнан уларнинг ИҚ-спектрлари таҳлили асосида аниқланди. Турли С/Н манбаларида (18 вариант) штамм бир-биридан фарқланувчи 7 ЭПС намунасини синтез қилди. Бу фарқ асосан функционал гуруҳларнинг валент тебранишларида намоён бўлди (7-расм).

Эътирофга молик спектрал ўзгаришлар *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штаммини глюкоза/солд экстракти (1-намуна), сахароза/солд экстракти (3-намуна), сахароза/пептон (9-намуна), манноза/казаминокислота (11-намуна), манноза/дрожжи экстракти (14-намуна), сахароза/дрожжи экстракти (15-намуна) ва глюкоза/мол гўшти экстракти (18-намуна) сақлаган озук муҳитида ўстиришдан олинган ЭПС намуналарида аниқланди.


Жумладан, углевод ҳалқасидаги –ОН гуруҳининг тебранишидан ҳосил бўладиган интенсив ютилиш соҳаси юқоридаги намуналар ИҚ-спектрларида $3412,66$, $3421,10$, $3431,17$, $3447,39$ ва $3447,67\text{ см}^{-1}$ да кузатилди. Углеводлардаги ассимметрик С–Н боғига хос тебраниш $2922,2$ дан $2927,0\text{ см}^{-1}$ гача бўлган соҳаларда қайд этилди. – NHCOCH_3 гуруҳидаги С=О боғининг валент тебраниши $1617,94$, $1629,09$, $1636,42$, $1636,91$, $1647,35$, $1647,78$,

1653,71 ва 1654,15 см^{-1} да кузатилди. Гликозид боғлардаги С-О-Сга хос тебраниш 1074дан 1076,16 см^{-1} гача соҳаларда аниқланди. Ушбу ўзгаришлар С/Н манбалари нафақат ЭПС синтези унумдорлиги, балки унинг структурасига ҳам таъсир кўрсатишини исботлайди.



7-расм. Модификацияланган ISP2 озуқа муҳитида *Rhizobium radiobacter* SZ4S7S14 штаммини ўстиришдан олинган ЭПС намуналарининг ИҚ-спектрлари (1-глюкоза/солд экстракти; 2-сахароза/солд экстракти; 3-сахароза/пептон; 4-манноза/казаминокислота; 5-манноза/дрожжи экстракти; 6-сахароза/дрожжи экстракти; 7-глюкоза/мол гўшти экстракти)

